

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил октябрь ойининг 22 куни, жиноят ишлари бўйича Нурота туман суди очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, судья М.Ҳайитовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Х.Ризақуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Нурота туман прокурори ёрдамчиси Ж.Рахимқулов, судланувчи А.Қодиров, жабрланувчи А.Алимов иштирокида, судланувчи Қодиров Ахаджон Ахмадовичга нисбатан 1-2107-2501/151-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи:

**Қодиров Ахаджон Ахмадович** (Qodirov Axadjon Axmadovich) 1980 йил 8 февраль куни Фарғона вилояти Бувайда туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оиласидан ажрашган, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Бувайда туман судининг 1998 йил 18 мартдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2) жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг 2007 йил 22 февралдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тугатилган;

3) жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2007 йил 11 июндаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан 248.400 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима тўлиқ ундирилган;

4) жиноят ишлари бўйича Фориш туман судининг 2008 йил 30 октябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган, жазони тўлиқ ўтаган;

5) жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2016 йил 28 январдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан 3 йил 1 ой 14 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

6) жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судининг 2017 йил 22 майдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 3-қисми “а”



банди билан ЖКнинг 60, 61-моддаси тартибида 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган;

7) жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2019 йил 28 ноябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57, 60-моддаси тартибида 4 йил 11 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 2021 йил 30 декабрдаги ажрими билан ўталмаган 2 йил 5 ой 12 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддаси тартибида шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Бувайда туман судининг 2023 йил 10 октябрдаги ажрими билан ўталмаган 8 ой 27 кун ахлоқ тузатиш ишлари ЖКнинг 73-моддаси тартибида муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Фарғона вилояти Бувайда тумани Ибрат шаҳарчаси “Наврўз” кўчаси 50-уйда яшаган, 2025 йил 26 июлдан қамокда, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 5 август куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни суд мажлисида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб, судланувчининг музокара, химоя ва охирги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Қодиров хавфли рецидивист бўлган ҳолда, 2025 йил 4 июль куни соат 9:30да Нурота тумани “Истиклол” МФЙ ҳудудида жойлашган “Сойкечар” қишлоғидаги чорва моллари бозорининг ташқи томонидаги автотураргоҳда турган А.Алимовга тегишли “Нексия-2” русумли, давлат рақам белгиси 30V569NB бўлган автомашинанинг эшигини қайчи воситада очиб, автомашина салони ҳайдовчи ўриндиғининг остки қисмида бўлган А.Алимовнинг 22.500.000 сўм миқдордаги пул маблағларини яширин равишда талон-торож қилган.

Судланувчи А.Қодиров судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2021 йилнинг декабрь ойида жазони ижро этиш муассасасидан чиқиб, Тошкент шаҳрида яшаб ишлаб келгани, дастлаб тикувчилик фабрикасида ишлагани, кейинчалик



автомашинада киракашлик билан шуғуллангани, шундан сўнг, Навоий вилоятига бориб у ердан чорва моллари сотиб олиб, уларни Тошкент шаҳрига олиб келиб, қайта сотиб, чорва моллари савдоси билан шуғулланмоқчи бўлгани, шу вақтда Тошкент шаҳридаги “Қуйлиқ” савдо марказида олдиндан таниш бўлган О.Худойберганов билан учрашиб қолгани, ундан нима иш қилаётганлиги тўғрисида сўраганида, О.Худойберганов Тошкент шаҳрида бошқарувидаги “Спарк” русумли автомашинада ҳайдовчилик қилаётганини айтгани, шунда унда таниши О.Худойберганов билан унга тегишли автомашинада Навоий вилоятидаги чорва моллари сотиладиган бозорга бориб, чорва моллари нарх-навосини кўриб келиш фикри туғилиб, бу ҳақда таниши О.Худойбергановга айтгани, у билан савдолашиб унга тегишли автомашинада 500.000 сўм эвазига Навоий вилоятига бориб келишга келишгани, шундан сўнг, О.Худойбергановга тегишли автомашинада “Сарлор” исмли таниши билан Навоий вилоятига кетишгани, ўзи билан бўйнига осиб оладиган хужжатлари сақланадиган сумкаси бўлгани, сумкасида пул ва хужжатларини сақлаб келгани, яна ушбу сумкасида бир дона қайчи ва бир дона сих ҳам бўлгани, Навоий шаҳри марказига етиб келганидан кейин бир кун давомида шаҳар марказидаги меҳмонхонада тунаб қолгани, кейинги кун ўша ердаги одамлардан 2025 йил 4 июль куни Нурота туманидаги “Сойкечар” қишлоғида мол бозори бўлиши тўғрисида суриштириб билгани, шундан сўнг эртаси куни учаласи Нурота туманида “Сойкечар” қишлоғида жойлашган мол бозорига келгани, дастлаб бозорни айланиб чиқиб, бозордаги чорва молларини баҳосини сўраб суриштиргани, шундан сўнг бозор кириш эшигини ёнида чиқиб атрофни кузатиб турган вақтида, кейинчалик унга таниш бўлган жабрланувчи А.Алимовни бозордан чиққанини, кўлидаги пул билан “Нексия” русумли автомашинаси томон ҳаракатланганини кузатиб тургани, О.Худойберганов пулларни автомашинасига қўйиб, ўзи ортига қайтиб кетгани, шунда унда А.Алимов автомашинага қўйган пулларни ўғирламоқчи бўлгани, шундан сўнг, ушбу автомашина томон юриб, уни кўздан кечирганда “Нексия-2” русумли автомашина эканини, автомашина қулф ҳолатда турганини, сигнализацияси овозсиз режимга қўйилганини кўриб билгани, шу вақтда автомашина эгаси А.Алимов автомашинани чорва моллари ҳамда деҳқон бозори ўртасидаги йўлга келиб тўхтаб, автомашинадан тушиб, бозорга кириб кетгани, шунда ушбу автомашинани кузатиб келиб, ушбу вазиятдан фойдаланиб, автомашинага яқин бориб, ўзи билан сумкасида олиб келган қайчи билан автомашинанинг ҳайдовчи томондаги эшигини очиб, автомашинанинг ҳайдовчи ўриндиғининг остки қисмидаги полиэтилен пакетга ўралган пулларни олиб, автомашинанинг эшигини ёпиб, Тошкент шаҳрига кетгани, у А.Алимовга тегишли пулларни ўғирлагани ҳақида танишлари О.Худойберганов ва Сардорга айтмагани, жабрланувчига етказилган моддий зарар ўрнини қоплаб бергани, қилмишидан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.



Судланувчи А.Қодировнинг айби ўзининг айбига иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари ишда тўпланган ва суд мажлисида текширилган далиллар, жумладан:

- жабрланувчи А.Алимовнинг суддаги, 2025 йил 4 июль куни отаси А.Аллаёров билан биргаликда соат 01:00да 2 бош йирик шохли ва 1 бош майда шохли молларини сотиш мақсадида Нурота туманидаги “Сойкечар” қишлоғидаги мол бозорига олиб бориб, шу куни соат 06:30 га қадар 2 бош йирик шохли молларини 22.500.000 сўмга сотиб, пулларни бир дона целлофан пакетга солиб, ушбу чорва моллари автотураргоҳида турган автомашинасининг ҳайдовчи ўриндиғининг остки қисмига қўйиб, ўзи яна қайтиб яна чорва моллари бозорига киргани, отам 1 бош майда шохли молини сота олмагани, шундан сўнг 1 бош майда шохли молни автомашина орқа юкхонасига ортиб, автотураргоҳдан чиқиш жойидаги овқатланиш шаҳобчасида овқатланишгани, шундан сўнг, автомашинаси олдида бориб, автомашина эшигини пулт ёрдамида очиб, салон ичини кўздан кечирган вақтида пуллари йўқлигини кўргани, шундан сўнг, Нурота тумани ИИБ ходимларига ушбу ҳолат тўғрисида хабар бергани, терговда унинг пулларини А.Қодиров ўғирлагани аниқлангани, ҳозирги кунда судланувчи А.Қодиров томонидан унга етказилган моддий зарар қоплангани, бироқ судланувчи А.Қодировга нисбатан қонуний чора кўришни маълум қилиб берган кўрсатуви;

- гувоҳ А.Аллаяровнинг суддаги жабрланувчи А.Алимовнинг кўрсатувларига мазмунан ўхшаш кўрсатувлари;

- шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси (жиноят иши 4-9-варақлар), нарсани олиб қўйиш ва кўздан кечириш баённомаси (жиноят иши 17-18-варақлар), нарсани кўздан кечириш баённомаси (жиноят иши 32-33-варақлар), кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси (жиноят иши 44-48-варақлар), ашёвий далиллар ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Қодировнинг содир этган хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”-деб;

3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.



Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади”-деб тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи А.Қодировга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”- деб кўрсатилган қонун талабларига риоя қилиб, унинг айбига иқрорлиги, қилмишига пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган моддий зарар ўрнини тўлиқ қоплаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, ЖКнинг 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни мавжуд эмас деб ҳисоблаб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи А.Қодировнинг шахсини, у томондан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, шунингдек, уни муқаддам худди шу тарздаги жиноятлари учун судланиб, тайинланган жазони ўтаб бўлгандан сўнг ҳам яна қасддан жиноят содир этганини ҳисобга олган ҳолда унинг хулқини озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш йўли билан тузатиб бўлмайди деган хулосага келиб, у айбдор деб топилаётган ЖК моддаси санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташни белгилашни, жазони ўташ муддатини мазкур жиноят иши юзасидан қамоқ қўлланилган кундан, яъни 2025 йил 26 июлдан бошлаб ҳисоблашни ва эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни лозим деб топади.

Суд, жиноят иши бўйича етказилган моддий зарар тақдирини муҳокама қилиб, жабрланувчи А.Алимовга етказилган моддий зарар қопланганлигини инобатга олишни лозим деб топади.

Шунингдек, суд, ашёвий далиллар тақдирини муҳокама қилиб, судланувчи А.Қодировдан олинган 22.500.000 сўм жабрланувчи А.Алимовга тилхат асосида қайтарилганлигини ҳамда нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомалари, жабрланувчи А.Алимов томонидан ёзилган тилхат ҳамда икки



дона “DVD” дискни жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлигини инобатга олишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

## **Ҳ У К М Қ И Л А Д И :**

**Қодиров Аҳаджон Аҳмадович** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

А.Қодировга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо қаттиқ тартибли колонияда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 26 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

А.Қодировни эҳтиёт чораси аслича қамокда қолдирилсин.

Жабрланувчи А.Алимовга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил судланувчи А.Қодировдан олинган 22.500.000 сўм жабрланувчи А.Алимовга тилхат асосида қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомалари, жабрланувчи А.Алимов томонидан ёзилган тилхат ҳамда икки дона “DVD” диск жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича кассация инстанциясига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

**М.Ҳайитов**

**Маъсул судья: Хайитов Мирзохид Акрамович**

